**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

# *5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)* бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 744
25 08 2018 йил

**Тошкент**

## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

– Тошкент молия институти;
– Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси.

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018йил «18» август даги 4 - сонли йиғилишида мақулланган.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

# МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| **1.** | ***5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)*** **бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи ............** | **4** |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ........................................................................ | 4 |
| 1.2. | *5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ............................................................. | 5 |
| **2.** | ***5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)*** **таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ...............................** | **6** |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ........................................................................................ | 6 |
| 2.2. | *5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари ............................... | 7 |
| **3.** | ***5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)*** **бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ............** | **8** |
| 3.1. | Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ........................................................................................ | 9 |
| 3.2. | *5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ... | 11 |

## 1. *5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тасnифи

*5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўкув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлик ўзлаштирган. Якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) хамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади.

Ўкув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака (даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Ўкув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си**

| Ўкув режа ва фан дастурининг номи | Малака (даража) | Ўкув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|---|---|---|
| Бакалавриатнинг ўкув режа ва фан дастури | Бакалавр | 4 йил |

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)*** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўкув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўкув режа ва фан дастурларини амалга ошириш хукукига эга хисобланади.

**1.1.3.** Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соха ютукларини хисобга олган холда ўкув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чикиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўкитувчилари;

– таълим йўналишининг ўкув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўкув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошкарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув услубий бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини бахолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтихон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи субъектлари;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат килувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш хукукига эга бўлган абитуриентлар ва бошка манфаатдорлар.

**1.2. *5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. *5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)*** бакалавриат таълим йўналиши – иктисодий сохасидаги йўналиш бўлиб, у Давлат хокимияти ва бошкаруви

органлари. Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар фаолиятининг барча йўналишлари, иктисодий-хукукий ва ташкилий асослари, фаолият тамойиллари, ликвидлилиги ва тўлов кобилиятини таъминлаш билан боглик комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

**1.2.2. *5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

Давлат хокимияти ва бошкаруви органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси худудида хамда ундан ташкарида жойлашган шўъба корхоналари, ваколатхоналари, филиаллари ва бошка таркибий бўлинмалари хамда юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари, шунингдек норизидентларнинг Ўзбекистон Республикаси худудидаги ваколатхоналари, филиаллари ва таркибий бўлинмалари, илмий, техникавий ва технологик масалалар билан боглик академик, илмий тадкикот ва муассаса ташкилотлари, ўрта махсус таълим тизими муассасалари ва бошка конун хужжатларида белгиланган тартибдаги хисоб юритиш жараёнлар мажмуаси.

***5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти куйидагиларни камраб олади:**

-бухгалтерия хисоби ва аудитни бошкариш: Ўзбекистон Республикаси Давлат хокимияти ва бошкаруви органлари, вазирликлар, давлатнинг максадли жамғармалари; агентликлар ва идоралар;

-Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар;

- илмий-тадкикот фондлари ва ташкилотлари, маслаҳат ва инвестиция компаниялари;

-тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия хисоби фаолиятини ривожлантириш бўйича йўналишлари билан боглик комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

**1.2.3. *5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

*-молиявий-иқтисодий;*

*-ҳисоб, таҳлил ва назорат;*

*-ташкилий-бошқарув;*

*-илмий-тадқиқот*

*-педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида).*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аникланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари:**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик кайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўкитиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари:**

5230900 – Бухгалтерия хисоби ва аудит (тармоклар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин *иқтисодиёт соҳаларини қамраб олувчи* магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган муддатда ўкишни давом эттириши мумкин.

## 2. *5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

–дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши;

–гуманитар ва табиий-илмий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

–табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиш;

–ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

–тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

–соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш ўкув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**Бакалавр:**

– таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган касб ва лавозимларда мустақил ишлашга;

– тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

– кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида қўшимча касб таълимини олиш учун тайёрланади.

**2.2. *5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Молиявий-иқтисодий фаолиятда:**

– Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар фаолияти ва у билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси конунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

– бизнес-режаларни кўриб чиқиш ва лойиҳа самарадорлигини баҳолаш;

– молия бозорида воситачилик қилиш;

– мижозларнинг тўловга қобилятини баҳолаш усулларини қўллаш;

– Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда юридик шахслар соҳасини ривожлантириш йўналишларини белгилаш;

– Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

**Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:**

– бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;

– ҳисоб маълумотларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

– бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизими фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;

– бухгалтерия хисоби ва аудит тизимидаги кўрсаткичлар динамикаси ва ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш;

– бухгалтерия хисоби ва аудит фаолиятига доир молиявий ва статистик ҳисоботларини тузиш ҳамда уларни таҳлил килиш;

– бухгалтерия хисоби ва аудит хизматларини кўрсатишда дастурий комплекслардан фойдаланиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

**Ташкилий-бошкарув фаолиятида:**

– бухгалтерия хисоби ва аудит тизимида корпоратив бошкарув тартиб ва тамойилларини билиш;

– молия-банк тизимига доир конунчиликка мувофик бошкарув мезонларини англаган бўлиш;

– бухгалтерия хисоби ва аудитни тўғри ташкил килиш ва самарали бошкаришни амалга ошириш;

– бухгалтерия хисоби ва аудит тизимида молиявий бошкарув ва ходимларни бошкариш стратегияларини билиш ва амалиётда қўллай олиш;

– бухгалтерия ҳисоби ва аудит фаолиятидаги муаммоларни ечимларини амалиётга татбик этиш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, уни бажариш, назорат килиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

– бухгалтерия хисоби ва аудит соҳасининг халкаро хамда миллий мослигини мониторинг килиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Илмий-тадкикот фаолиятида:**

– тасдикланган давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўкув-услубий материаллардан фойдаланган холда умумий ўрта ва касб-ҳунар таълими муассасаларида бухгалтерия хисоби, таҳлил, аудит ва молиявий-иктисодий фанларидан таълим бериш;

– илмий-тадкикот ишларини амалга оширишда соҳа хусусиятларидан келиб чикиб, ноанъанавий услубларни қўллай олиш;

– интернет тармоғида энг янги илмий ютуклар хакидаги маълумотларни максадга йўналган холда кидириш ва топиш;

– тадкикот мавзуси доирасида илмий-амалий маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва уларни тизимлаштириш;

– илмий-тадкикот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш ***қобилиятига эга бўлиши керак.***

**Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида):**

– умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўкув фанлари бўйича иктисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий хамда амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўкув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқикотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотлариини ўтказиш учун зарур бўлган ўкув-методик хужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни татбик этиш;

– мустакил таълим ва ижодий кидирув натижасида ўкитилаётган фан хамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

## 3. *5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

*5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар;

умумкасбий фанлар;

ихтисослик фанлари;

қўшимча фанлар;

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган, кадр истеъмолчиларнинг ёки бошқа соха мутахассисларининг таклифлари асосидаги фанларни хам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда Якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

**3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки:**

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки таркибига киритилган биринчи еттита фанларнинг мазмунига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади;
- иқтисодиётда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда иқтисодчилар учун математик усулларни, ахборот технологиялари орқали маълумотлар тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш, эконометрик таҳлилларни олиб бориш усулларини билишнинг иқтисодиёт соҳасидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;
- иқтисод таълим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаш ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши лозим.

**Мазкур блокнинг бошқа фанлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар:**

- ахборот комплекслари, ахборот тизимлари, иқтисодиётда қўлланиладиган дастурий таъминотлар орқали соҳанинг самарадорлигини оширишни тизимли ўрганиш;
- математиканинг чизиқли алгебра, математик анализ, дифференциал ва интеграл ҳисоб ҳамда дифференциал ва чекли айирмали тенгламалар ёрдамида ижтимоий-иқтисодий соҳада қўлланилаётган моделларни тизимли ўрганиш;
- иқтисодий жараён ва ҳодисалар ҳақида маълумотларни олиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва баҳолашни билиши;
- иқтисодий объектлар ва жараёнларнинг миқдорий ўзаро боғлиқлигини математик ва статистик методлар ва моделлар ёрдамида ўрганиши лозим.

**Умумкасбий фанлар блоки:**

- таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий билим ва кўникмаларни шакллантириши;

- шахснинг характери, темпераменти, қобилияти ва иқтидорига кўра, касбга доир билим, кўникма, малакани эгаллаши ва уни ривожлантириши;

- иқтисодий категориялар ва қонунлар, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятини тушуниш, иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш механизмларини билиши;

- миллий иқтисодиётни корпоратив бўғинида қарорларни қабул қилиш ҳамда микроиқтисодиётнинг асосий категориялари истеъмол ва ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқ масалалар, макроиқтисодий даражада миллий иқтисодиёт ва унда юз бераётган жараёнлар, мамлакат макроиқтисодий инновацион ривожланиш жараёнларини ўрганади ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш орқали пул-кредит, бюджет-солиқ, ташқи иқтисодий-ижтимоий сиёсатни амалга ошириш юзасидан кўникмаларини шакллантириши;

- статистика амалиётида қўлланиладиган иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш;

- менежмент ва маркетинг асосларини билиши, функция, усул ва тамойилларини чуқур ўрганиши, қарорларни қабул қилиш ва улар ижросининг назоратини олиб бориши;

- молиянинг моҳияти ва аҳамияти, молия тизими ва унинг таркибий бўғинларида молиявий муносабатларни ташкил этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари, молиявий назорат ва молиявий рискларни бошқариш усуллари ва йўналишлари, давлат ва корпоратив тузилмаларда молия муносабатларини ташкил этиш;

- пул ва банк категориялари эволюциясини билиши, банкларнинг актив ва пассив операцияларини қўллай олиши, марказий банкларнинг функционал мақсади ва ташкилий тузилиши тўғрисидаги билимга эга бўлиши;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, уларни ҳисоблай олиш бўйича билим ва кўникмаларига эга бўлиши;

- суғурта ишини амалга ошириш шакллари, суғурта компаниялари фаолияти, суғурта масалалари бўйича қонунчилик ҳужжатлари ва суғурта бозори фаолиятини ўзлаштириши;

- инвестицияларнинг иқтисодий мазмун-моҳияти, инвестиция жараёнларининг мазмуни ва босқичлари, инвестиция фаолиятини олиб бориш, мамлакатимизда олиб борилаётган инвестиция сиёсатининг хусусиятлари, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, инвестиция муҳитини баҳолаш, ривожланиш давлат дастурини шакллантириш, инвестиция лойиҳаларининг молиявий ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, инновация фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш ва инвестиция-инновация лойиҳаларини молиялаштириш;

- молия бозорининг амал қилиш механизми, молиявий операциялар ҳамда молия институтларининг фаолиятини тушуниши, билиши, амалиётда қўллай олиши лозим.

**Ихтисослик фанлар блоки:**

- бухгалтерия баланси, счётлар тизими, иккиёқлама ёзув, баҳолаш ва калькуляция бўйича тасаввурга эга бўлиш, асосий хўжалик жараёнлари, ҳужжатлаштириш ва инвентаризациялаш, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва шакллари, ҳисобот, ҳисобни ташкил этиш ва ҳисоб сиёсати, ҳисобни ислоҳ қилиши;

- аудиторлик текширувини ўтказиш усуллари, аудиторлик танлаш усуллари, аудиторлик ташкилотининг ички ҳужжатлари ва аудиторлик текширувларида таҳлилий амаллар;

-ахборот тизимларига счётлар бўйича қолдиқларни киритиш, бухгалтерия ўтказмалар, ҳисобот даврини якунланиши, молиявий ва солиқ ҳисобот шаклларини тузиш тартиби;

- халқаро бухгалтерия ҳисобининг умумий тамойиллари ва хусусиятлари, бухгалтерия ҳисобининг аҳамияти ва вазифалари, ҳисоб амалиёти таркибига таъсир этувчи омиллар, ривожланган мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ҳуқуқий асослари, бухгалтерия ҳисоби моделларининг турлари, европада бухгалтерия ҳисоби, америкада бухгалтерия ҳисоби, Осиё давлатларида бухгалтерия ҳисоби, МДҲ давлатларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари;

- бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, ҳисоб ҳужжатлари ва регистрлари ҳамда молиявий ҳисобот тузишни билиши лозим;

- тадбиркорлик субъектларининг ҳисобот санасидаги молиявий аҳволи, унинг ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий натижаси, пул маблағлари ва уларнинг айланиши, хусусий капитали ҳақидаги ахборотларни комплекс баҳолаш, таҳлил қилиш, иқтисодий ва молиявий ташхислаш;

- банкларда бухгалтерия ҳисоби, дастурий таъминотлар билан ишлаш, ҳисоботларни тайёрлаш ва таҳлил қилиш;

- таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

**Қўшимча фанлар блоки**

- таълим йўналиши талабаларининг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

- таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва иқтисодий жараёнлар тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминлаши лозим.

**Танлов фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**3.2. *5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар.**

*5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)* бакалавриат таълим йўналишида малакавий амалиёт қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- ўқув-таништирув;
- ишлаб чиқариш;
- битирув олди.

**Ўқув-таништирув амалиёти** - талабаларни асосан турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида бухгалтерия ҳисоби билан умумий тарзда таништириш мақсадида амалга оширилади. Хусусан, мазкур хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини юритиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўтказилади.

Бу жараён:

- хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш;
- "Lex.uz" қонунчилик базаси ва "Norma" ахборот-ҳуқуқий тизими имкониятлари билан танишиш;
- бухгалтерия бўлимида қўлланиладиган дастурий таъминотлар билан ишлаш;
- бухгалтерия ҳисобининг шакллари ва регистрларини дастурий таъминотларда юритиш тартиби;
- ҳужжатлаштириш ва инвентаризация;
- бухгалтерия баланси ва унинг тузилиши;
- ҳисоботларни шакллантириш юзасидан кўникмаларни шакллантиришга қаратилган.

**Ишлаб чиқариш амалиёти** - ихтисослик фанлари блоки таркибидаги фанлардан ўтказилади. Таълим йўналиши талабаларида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида мустақил ишлаш кўникмаларини қарор топтириш мақсадида ўзлаштирган билимларини амалиёт билан узвий боғлиқликда мустаҳкамлашини таъминлашга қаратилган.

Ишлаб чиқариш амалиёти:

- хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил этиш;
- пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар ҳисоби;
- материаллар, инвентарлар ва хўжалик жиҳозлари ҳисоби;
- меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби;

- асосий воситалар ва номоддий активлар хисоби;
- молиявий қўйилмалар хисоби;
- харажатлар туркумланиши ва махсулот (иш, хизматлар) таннархини калькуляция қилиш хамда хисобда акс эттириш;
- тайёр махсулот (иш, хизмат, товар)лар ва уларнинг сотилишини ҳисобга олиш;
- хусусий капитал ва молиявий натижалар хисоби;
- молиявий хисобот;
- корхонанинг молиявий ҳолати таҳлили;
- корхона молиявий натижаларининг таҳлили;
- аудиторлик текширувини режалаштириш;
- аудиторлик далилларини тўплаш;
- аудиторлик текширувининг якуний босқичи бўйича кўникмаларни эгаллашига қаратилган.

**Битирув олди амалиётида** талаба битирув малакавий иши мавзуси бўйича илмий-назарий ишланмаларни ўрганиш жараёнида орттирган тадқиқ манбаларини амалий, статистик маълумотлар билан асослаш, инновацион иқтисодиёт ривожланиши шароитида соха муаммоларини аниқлаш хамда уларнинг аниқ ечимини ишлаб чиқиш кўникмасини орттириш, битирув малакавий иши мавзусига доир маълумотлар, материаллар ва бошқа манбалар базасини шакллантиришни назарда тутилган.

Бунда:

битирувчини бевосита малака талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш;

ўзлаштирган назарий билимларини амалиёт билан узвий боғлиқликда мустахкамлаш;

жамоада ташкилотчилик ва раҳбарлик тажрибасини орттириш;

иқтисодиёт субъектларида бухгалтерия хисоби ва аудиторлик фаолиятини ташкил этиш бўйича илмий-амалий фаолият орқали иқтисодий кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш, таҳлил қилиш, илмий хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан зарур кўникмалар шакллантирилади.

Малакавий амалиётни ўташ муддатлари ўқув режаси графигида мувофиқлаштирилган. Унинг якунида талаба дастур доирасида бажарган ишлари бўйича хисобот тайёрлайди хамда кафедра таркибидан шакллантирилган комиссия олдида уни химоя қилади.

Талабанинг илмий-тадқиқот иши унда касбий компетенцияни шакллантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. Битирувчи кафедранинг илмий фаолиятида фаол иштирок этиши, курс ишлари, малакавий амалиёт мақсадли бажарилиши ва узвий равишда битирув малакавий ишининг асосий манбаси бўлишини назарда тутади.

Талабалар илмий-тадқиқот ишини ташкил этиш юзасидан қуйидаги шарт-шароит таъминланиши керак:

илмий ишларининг мавзулари рўйхати билан талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш;

кадр тайёрловчи факультет(кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун талабаларни белгиланган меъёр даражасида таъминлаш;

ОТМнинг ахборот ресурс марказида мустақил илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун зарур шарт-шароитни яратиш;

талабалар илмий-амалий конференцияларини ташкил қилиш.

**Битирув малакавий ишига қўйиладиган талаблар:**

Талабаларнинг битирув малакавий иши мавзуси ОТМ буйруғи билан расмийлаштирилади.

Битирув малакавий иши мавзулари соҳанинг ривожланиш стратегияси, шунингдек, фан-технологиялар ва иқтисодиётдаги ўзгаришлар хамда кадрлар буюртмачиларининг та-

лабларини инобатга олган холда ОТМнинг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Битирув малакавий иш мавзулари илмий-назарий ёки назарий-амалий йўналишда бўлиши мумкин.

Битирув малакавий иш топшириғи учинчи курснинг иккинчи ярим йиллиги давомида талабалар эътиборига етказилади хамда мавзуларнинг танлови амалга оширилади. Битирув малакавий иши малака талабида белгиланган вакт давомида бажарилади.

Битирув малакавий ишининг мазмуни, хажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг Якуний давлат аттестацияси ўтказиш хакидаги Низом асосида кафедра томонидан белгиланади.

**3.3. *5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасидаги юклама хажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташкари ўкув ишларини ўз ичига олган ўкув юкламасининг энг юкори хажми хафтасига 54 соат килиб белгиланади. Ишлаб чикаришдан ажралган холда (кундузги) ўкиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юкори хажми хафтасига 30 соатгача килиб белгиланиши мумкин.

Ўкишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани холда ўкув жараёни 204 хафта давом этиши зарур.

Ўкув даврининг умумий хажми куйидагича таксимланади:

| | |
|---|---|
| назарий таълим - | 58.8 %; |
| аттестация - | 8.8 %; |
| таътил - | 15.7 %; |
| малака амалиёти - | 14.7 %; |
| битирув малакавий иши - | 2.0 %. |

Назарий таълим хажми "Ижтимоий соха, иктисод ва хукук" билим сохасига мувофик фанлар блоклари бўйича куйидагича таксимланади:

| | |
|---|---|
| гуманитар ва табиий-илмий фанлар | 25.64 %; |
| умумкасбий фанлар | 40.28 %; |
| ихтисослик фанлар | 28.83 %; |
| кўшимча фанлар | 5.25 %. |

Ўкув йилида таътил даврининг умумий хажми 6 - 9 хафта килиб белгиланади.

**Илова**

## *5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)* таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

| Т/р | Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари | Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда |
|---|---|---|
| **1.00** | **Гуманитар ва табиий-илмий фанлар** | **1662** |
| 1.01 | Ўзбекистон тарихи | 78 |
| 1.02 | Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти | 78 |
| 1.03 | Фалсафа | 128 |
| 1.04 | Диншунослик | 64 |
| 1.05 | Ўзбек (рус) тили | 150 |
| 1.06 | Хорижий тил | 356 |
| 1.07 | Жисмоний тарбия ва спорт* | 128 |
| 1.08 | Иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари | 172 |
| 1.09 | Иқтисодчилар учун математика | 348 |
| 1.10 | Эконометрика | 90 |
| 1.11 | *Танлов фанлари* | 70 |
| **2.00** | **Умумкасбий фанлар** | **2610** |
| 2.01 | Касбий психология | 100 |
| 2.02 | Иқтисодиёт назарияси | 328 |
| 2.03 | Микроиқтисодиёт. Макроиқтисодиёт | 268 |
| 2.04 | Статистика | 236 |
| 2.05 | Менежмент. Маркетинг | 200 |
| 2.06 | Молия | 236 |
| 2.07 | Пул ва банклар | 224 |
| 2.08 | Солиқлар ва солиққа тортиш | 236 |
| 2.09 | Суғурта назарияси ва амалиёти | 224 |
| 2.10 | Инвестиция ва инновациялар | 224 |
| 2.11 | Молия бозори | 126 |
| 2.12 | *Танлов фанлари* | 208 |
| **3.00** | **Ихтисослик фанлари** | **1868** |
| 3.01 | Бухгалтерия ҳисоби | 638 |
| 3.02 | Аудит | 310 |
| 3.03 | Бухгалтерия ҳисобининг дастурий комплекслари | 90 |
| 3.04 | Халқаро бухгалтерия ҳисоби | 90 |
| 3.05 | Бюджет ҳисоби | 228 |
| 3.06 | Молиявий таҳлил | 228 |
| 3.07 | Банкларда бухгалтерия ҳисоби | 90 |
| 3.08 | *Танлов фанлари* | *194* |
| **4.00** | **Қўшимча фанлар** | **340** |
| | ***Жами*** | **6480** |
| | Малакавий амалиёт | 1620 |
| | Битирув малакавий иши | 216 |
| | Аттестациялар | 972 |
| | ***Жами*** | **2808** |
| | **Ҳаммаси** | **9288** |

**Изох:**

1. Олий таълим муассасаси ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талабларини эътиборга олади.

2. Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари қўшимча фанлар блокининг соатлари ҳисобига, ҳарбий йиғин эса таътил вақти ҳисобига ўтказилади. Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари ўтказилмайдиган ҳолларда меҳнат бозори ва кадрлар буюртмачиларининг талабларига мослашувчанлиги ва ҳаракатчанлигини таъминлаш учун олий таълим муассасаси кенгашининг қарори билан фойдаланилади.

3. Ўқув режа асосида олий таълим муассасаси ҳар йили ишчи ўқув режасини тузади. Бунда олий таълим муассасасига талабалар юкламасининг ҳафталик ҳажмини сақлаган ҳолда ўқув фанлари блоки ҳажмини 5 фоизгача, блоклар таркибидаги фанлар ҳажмини 10 фоизгача ўзгартириш ҳамда аудитория юкламасининг умумий ҳажмини сақлаган ҳолда айрим семестрларда ҳафталик юкламалар ҳажмини эркин белгилаш ҳуқуқи берилади.

4. Талаба билимини баҳолаш рейтинг тизимига мувофиқ ўқув жараёни давомида амалга оширилади.

5. Битирув малакавий ишини бажариш муддатлари таркибига уни ҳимоя қилиш ҳам киритилади.

6. Хорижий тил фанининг охирги семестрларида битирувчи курслар учун қўшимча фанлар блоки ва танлов фанлари соатлари ҳисобидан ҳар ҳафтада 2 соатдан "Амалий инглиз тили" фани ўқитилади.

7. "Жисмоний тарбия ва спорт" фани таркибида "Валеология асослари" курсидан 10 соат ҳажмда маъруза, 8 соат ҳажмда амалий машғулот ўқитилиши кўзда тутилади.

8. Ўқув режага киритиладиган ихтисослик фанларининг амалий машғулотлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

9. Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

**"Бухгалтерия ҳисоби"**
**кафедраси мудири, и.ф.д., проф.** **А.А. Каримов**

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

бухгалтерия хисоби предмети, бухгалтерия хисобининг объектлари, бухгалтерия хисобида бахолаш, бухгалтерия хисобининг счётлари, хўжалик жараёнлари, таъминот, ишлаб чикариш, сотиш жараёнлари, хужжатлаштириш, инвентаризация, икки ёклама ёзув, баланс, хисобот, актив, пассив, дебет, кредит, сальдо, сторно, асосий восита, номоддий актив, амортизация, иктисодий тахлил, иктисодий тахлилнинг объекти ва субъектлари, иктисодий тахлил предмети, иктисодий тахлил усуллари, иктисодий тахлил принциплари, иктисодий тахлил турлари, самарадорлик, молиявий холат ва молиявий натижа, баланс ликвидлиги, молиявий баркарорлик, тўлов кобилияти, рентабеллик, пул окимлари, хусусий капитал, хисобот, аудит, аудиторлик фаолияти, аудитнинг профессионал хизматлари, ташки аудит, ички аудит, аудиторлик хулосаси, аудиторлик хисоботи, аудиторлик далиллар, аудиторлик танлаш, аудитор малака сертификати, аудитнинг ахлокий талаблари, аудиторлик таваккалчилиги, ички назорат тизими, мухимлик даражаси, стандарт.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**
**Тошкент молия институти**

Ректор ______________ **Н.Х.Хайдаров**

2018 йил «_____» ______________
М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси**

Кенгаш Раиси ______________ **Н.Ф.Каримов**

2018 йил «_____» ______________
М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази**

**Директори** ______________ **Б.Ҳ.Рахимов**

2018 йил «____» ____________
М.Ў.

**Тошкент давлат иқтисодиёт Университети**

**Ректор** ______________ **Б.Ю.Ходиев**

2018 йил «____» ____________
М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий ассоциацияси**

**Кенгаш раиси** ______________ **М.М.Тулаходжаева**

2018 йил «____» ____________
М.Ў.

**Тошкент давлат аграр Университети**

**Ректор** ______________ **Б.А.Сулаймонов**

2018 йил «____» ____________
М.Ў.

**Тошкент молия институтида тайёрланаётган 5230900 – “Бухгалтерия хисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)” бакалавриат таълим йўналиши ва 5А230901 – “Бухгалтерия хисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” магистратура мутахассислиги учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

| т/р | Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)* | | Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари) |
|---|---|---|---|
| | шифри | номи | |
| 1. | 5230900 | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) | **Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:**<br>• дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;<br>• Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний кадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;<br>• табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ходисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;<br>• инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи хуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиш;<br>• ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;<br>• тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;<br>• янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;<br>• хорижий тилларни эркин сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши;<br>• соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш; |

- хўжалик юритувчи субъектларда молиявий режаларни, молиявий балансларни, асосий иктисодий кўрсаткичларини хисоб-китоб килиш учун дастлабки маълумотларни тайёрлаш;
- хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия хисобини ташкил этиш ва уни юритиш бўйича чора - тадбирлар ишлаб чикиш ва амалга ошириш;
- хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия аппарати ва молиявий фаолиятини ташкил этиш;
- хўжалик субъектларида хисоб сиёсатини шакллантириш ва уни амалга ошириш;
- хўжалик субъектларида ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг фаолиятини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чикиш;
- хўжалик юритувчи субъектларда кредит операциялари хисоби, пул маблағлари ва лизинг операциялари хисобини юритиш;
- хўжалик юритувчи субъектларда стратегик режалаштириш, ташкил этиш ва назорат килиш;
- хўжалик юритувчи субъектларда пул-кредит ва бюджет-солик сиёсати билан боғлик равишда ўрта ва узок муддатли молиявий (бюджетларни) прогнозлаш;
- хўжалик юритувчи субъектлар баркарорлигини ошириш ва уни модернизациялаш оркали ривожлантириш йўлларини ишлаб чикиш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион сиёсатини ишлаб чикиш, инвестиция портфелини самарали бошкаришни ташкил килиш.
- статистик ва хисоб-тахлилий маълумотларнинг манбаларини хамда истеъмолчиларнинг максад ва вазифаларини аниклаш;
- банкларга такдим этиладиган кредит лойихаларнинг молиявий самарадорлигини бахолаш, уларни амалга оширишдан олинган молиявий-иктисодий натижаларни тахлил килиш;
- тадкикотлар учун кўрсаткичлар тизимини танлаш ва уларнинг ўзаро алокасини моделлаштириш;
- бошкарув карорларни кабул килиш учун ахборотларни йиғишни ташкил этишнинг ички ахборот тизимини яратиш;
- бошкарув ва молиявий хисобни юритиш, жорий молия йили учун тузилган молиявий режалар ижроси натижаларини тахлил килиш;
- хўжалик юритувчи субъектларда рискларни тахлил килиш ва бахолаш;
- тахлилий хисоботларни тайёрлаш, олиб борилган тадкикот натижаларини изохлаш ва шархлаш;
- хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия хисобини амалга ошириш билан боғлик масалаларни ечиш учун янги технологиялар ва ёндашувларни кўллаш, уларнинг натижаларига ишлов бериш;

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | • илмий ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;<br>• ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, реферат ва библиографияларни тузиш;<br>• мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш. |
| 2. | 5А230901 | Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | **Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:**<br>• илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиш;<br>• миллий маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий ғоянинг назарий асосларни англаган ҳолда "Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш" бош ғоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий ғоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиш;<br>• табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий киёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиши;<br>• шахснинг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллай олиш;<br>• янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиш;<br>• ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;<br>• ўз фаолиятида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиш;<br>• фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиш;<br>• ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;<br>• илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиш;<br>• касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;<br>• хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида эгаллаган бўлиш; |

- ахборотни тўплаш, саклаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаш;
- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустакил карорлар кабул кила билиши;
- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарклаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиш;
- ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳлидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя килиш кобилиятига эга бўлиш;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, саклаш, кайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошкариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиши;
- патент олиш учун иш меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиш;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон килинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.
- магистрлик диссертация мавзуси бўйича маълумотлар тайёрлаш, реферат ва бошка мустакил иш шаклдаги топширикларни тузиш;
- ўкув фанларини ўкитиш методикасини эгаллаш;
- электрон ўкитиш усулларини эгаллаш;
- ўтказилаётган илмий-тадкикот лойиҳалари мавзуси бўйича бўйича моделлар, алгоритмлар, методларни тадкик килиш ва ишлаб чикиш;
- намунавий методикалар бўйича тадкикотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларини кайта ишлаш;
- олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўкув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўкув машғулотларини ўтказиш;
- ўкитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўкув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- мустакил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўкитилаётган фан хамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошка соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- ўкитилаётган фан бўйича ўкув машғулотларни ўтказиш учун ўкитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

| | | |
|---|---|---|
| | | • мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадкикот лойиҳаларини таҳлил қилиш;<br>• узлуксиз таълим тизимининг ДТС, малака талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;<br>• илмий ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;<br>• ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чикиш, реферат ва библиографияларни тузиш;<br>• илмий мақола ва тезислар тайёрлаш. |

**Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори** **И.Н.Қўзиев**

**Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси Кенгаш раиси** **М.М.Тулаходжаева**

**Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси Кенгаш Раиси** **Н.Ф.Каримов**

**Тошкент молия институтининг *5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)”* бакалавриат таълим йўналиши, *5А230901 – “Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича)”* магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари ва ўкув режаларини ишлаб чиқувчилар ҳамда кадрлар истеъмолчилари ўртасида**

**КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

**Тошкент шаҳри** **“___”__________2018 й.**

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий ассоциацияси Кенгаш раиси М.М.Тулаходжаева, Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси Кенгаш Раиси Н.Ф.Каримов хамда Тошкент молия институти ўкув ишлари бўйича проректори И.Н.Қўзиевлар мазкур келишув далолатномасини куйидагилар хакида туздик:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПК-2909-сон Қарори билан тасдикланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”нинг III-кисми ҳамда 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўкишга кабул килиш тўғрисида”ги ПК-2955-сонли Қарори, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-3151-сонли Қарорлари хамда Вазирликнинг 2017 йил 6 майдаги 294-сонли, 2017 йил 30 майдаги 356-сонли, 2017 йил 19 июндаги 407-сонли буйруклари ижросини таъминлаш максадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази Тошкент молия институти, турдош олий таълим муассасалари хамда тегишли соха ва тармоқлар бўйича кадр истеъмолчилари билан биргаликда ташкил килинган ишчи-гурухлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофик ишлаб чикилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режалари ишлаб чикилди.

2. *5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)”* бакалавриат таълим йўналиши, *5А230901 – “Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича)”* магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўкув режаларини ишлаб чикишда турдош олий таълим муассасалари – Тошкент давлат иктисодиёт университети, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш мухандислари институти, Тошкент темир йўллари мухандислик институти, Самарканд иктисодиёт ва сервис институти педагог ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий

ассоциацияси. Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. *5230900 – "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)"* бакалавриат таълим йўналиши, *5А230901 – "Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича)"* магистратура мутахассислиги кадрлар истеъмолчилари – Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси мутахассислари ва турдош ОТМлари профессор-ўқитувчилари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида уларнинг тегишли таклифлари *5230900 – "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)"* бакалавриат таълим йўналиши, *5А230901 – "Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича)"* магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўқув режаларини мукаммаллаштиришда инобатга олинди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур малака талаблари ва ўқув режаларини ўқув жараёнларига тадбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

**Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори** — **И.Н.Қўзиев**

**Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий ассоциацияси Кенгаш раиси** — **М.М.Тулаходжаева**

**Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси Кенгаш Раиси** — **Н.Ф.Каримов**

# Тошкент молия институти томонида ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини турдош олий таълим муассасалари билан
# КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

**Тошкент шаҳри** **“____” ________ 2018 йил**

**Қатнашдилар:**
проф.Н.Х.Хайдаров, проф.Б.Ю.Ходиев, доц.Ғ.Захидов, доц.И.Қўзиев, проф.Р.Дўстмуратов, проф.Р.Холбеков, проф.К.Ўразов, проф.Ш.Эргашхўжаева, проф.Н.Йўлдошев, проф.А.Кучаров, проф.А.Жўраев, доц.Д.Саидов, доц.Э.Авазов, доц.А.Бердиев, доц.З.Ниёзов, доц.Ф.Насриддинов, и.ф.н.доц.С.Султанова, и.ф.н.М.Маматкулов, доц.А.Махмудов, доц.М.Аскарова, доц.Н.Мажидов, проф.А.Туйчиев, доц.Л.Зойиров, доц.О.Астанакулов, доц.А.Аюбжонов, доц.З.Мукумов, доц.Қ.Хақбердиев, доц.И.Абдурахмонов, доц.О.Комолов, доц.Б.Маматов, доц.У.Якубов, доц.Б.Усманов, проф.А.Каримов ва бошқалар.

## К У Н Т А Р Т И Б И :

